

# Куч-адолатда

Ал ила олам юзин обод қил

2020 йил  
9 октябрь,  
жума  
№ 38 (811)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЁШЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЯНГИ ИШ ТИЗИМИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 октябрь куни жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Хотин-қизлар ва ёшлар — аҳолининг катта қисми, ижтимоий масалаларнинг аксарияти ҳам улар билан чамбарчас боғлиқ.

Сўнги йилларда ушбу икки йўналиш бўйлаб Ўзбекистонда давлат сиёсатини маҳалла даражасига ҳурятдан вертикал тизим яратилди. Ёшлар масалалари бўйича ҳар бир туманда алоҳида ҳоким ўринбосари, унинг 3 нафаргача мутахассиси, Ёшлар ишлари агентлиги бўлимининг 3 нафар ходими, вилоятда ҳам ҳоким ўринбосари, унинг 4 нафар мутахассиси, Ёшлар ишлари агентлиги бошқармасининг 11 нафар ходими ажратилди.

Хотин-қизлар масалалари бўйича ҳар бир маҳаллада алоҳида раис ўринбосари, туманда — маҳалла ва

ойла бўлими бошлиғи ўринбосари ва 2 нафар мутахассиси, вилоятда эса 8 нафаргача штат бирлиги берилди.

Бундан ташқари, ёшлар масалаларини ҳал этишга Президентнинг Халқ қабулхоналари, хотин-қизлар масалаларини ҳал этишга эса Ка-саба уюшмалари бириктирилди.

Лекин жойларда ушбу идоралар, тўртта сектор ишни самарали ташкил эта олмаётгани бор гап.

Шу боис видеоселектор йиғилишида хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича янги иш тизими жорий этилиши таъкидланди.

Маълумки, юртимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхати, яъни "темир дафтар" тузилган эди. Энди худди шунингдек ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида "ёшлар дафтари" ва "аёллар дафтари" шакллантирилади. Бу рўйхатлар "темир дафтар"дан алоҳида бўлади. Унга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва

касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар киритилади. Бунинг натижасида улар билан тизимли, манзилли иш йўлга қўйилади.

Йиғилишда ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш тизими Хатирчи тумани ва Янгиер шаҳри мисолида муҳокама қилинди.

Мутасаддиларга ушбу тизимнинг намунавий шаклини ишлаб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва ҳар бир вилоятнинг биттадан шаҳар ва туманида, яъни 28 та ҳудудда синовдан ўтказиш вазифаси қўйилди.

Сектор раҳбарлари ва мутасадди идоралар вакиллари ҳамда маҳалладаги ҳолатни ўрганиш, ёшлар ва аёллар билан бирма-бир мулоқот қилиб, эҳтиёжларини, қизиқिशларини аниқлаш ҳамда шу асосда манзилли чоралар кўриш бўйича топшириқлар берилди.

— Бундан кейин одамларнинг уйига бориб, ишга муҳтожларни ишга жойлаштириш тизимини яратишимиз керак. Энди қайси жойда раҳ-

барлар уйма-уй юриб, масалаларни ҳал қилса, ўша жойда вазият ўзгаради. Энг асосий мақсад — иқтисодий барқарорликдан натижадорликка ўтиш, — деди Президент.

Ишсиз ёшлар ва хотин-қизларда мотивация уйғотиб, касбий кўникмалар шакллантириш, психологик, ҳуқуқий, тиббий ва молиявий кўмак бериш муҳимлиги таъкидланди.

Масалан, оилавий психолог хизмати ва туман адлия бўлими орқали ҳуқуқий маслаҳатларни бепул ташкил қилиш мумкин. Ёлғиз кекса аёллар билан патронаж ҳамширалар, ёшлар, маҳалла ва оила бўлимлари ишлаши лозимлиги қайд этилди.

Ишсиз ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш ҳокимнинг инвестиция бўйича ўринбосари, туман ва шаҳар бандлик бўлими, Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш маркази, Бош вазир қабулхоналари ва банкларнинг энг муҳим вазифаси бўлиши кераклиги айтилди.

(Давоми 2-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Й И Ш И

## ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИНГ МЕРОСИНИ ЯНАДА ЧУҚУР ЎРГАНИШ ВА УЛАР ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз истиклоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, келажак авлодларнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида мардона кураш олиб бориб азиз жонларини фидо қилган, мустабид тузум даврида қатағон қилинган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ўтган даврда ушбу йўналишда муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди. Юртимизда 2001 йилдан бундан бундан 31 август — "Қатағон қурбонларини ёд этиш куни" сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. "Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ҳамда худудлардаги олий таълим муассасалари қошида унинг бўлимлари ташкил этилди.

Маъмуҳуджа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Абдулла Қодирий каби улғур маърифатпарвар аждодларимиз хотирасига бағишланган муҳташам ҳайкаллар, музейлар бунёд этилди, ижод мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Сиёсий қатағон йилларида ноҳақ қурбон бўлган юртдошларимизнинг номла-

ри аниқлаш, уларнинг қолдирган меросини ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари, бадий ва ҳужжатли асарлар яратилмоқда. Дунёда глобал хавф-хатарлар кучайиб бораётган ҳамда миллий ўзлигини англаш ва ҳақиқий тарихимизни тиклаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этаётган бугунги даврда мустабид тузум томонидан шафқатсиз қатағон қилинган давлат ва

жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намояндalarининг, оддий касб эгаси бўлган минглаб юртдошларимизнинг номлари ва хотираларини абадийлаштириш, уларнинг жасорати ва матонати мисолида ёш авлодимизни Ватанимиз ва халқимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

## Ҳар бир мурожаат — эътиборда

Бухорода Президент Администрацияси, Халқ қабулхонаси, шунингдек, 20 га яқин вазирилик ва идоралар мутасаддилари иштирокида сайёр қабул ўтказилмоқда.

Сайёр қабулнинг биринчи кунинда Бухоро ва Когон шаҳарлари, Қоровулбозор ҳамда Когон туманлари фуқароларининг муаммолари ўрганилди.

Юридик ва jismoniy шахслар томонидан тушган мурожаатларни кўриб чиқишда вазирилик ва идоралар му-

тасаддилари, вилоят ҳокими вазифасини вақтинча бажарувчи Фарҳод Умаров ва секторлар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, тегишли ташкилот, идора ва муассасалар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мутасаддилари иштирок этди.

(Давоми 4-бетда) ►

Мезон

## Нотўғри малакаланган жиноят

суд жараёнида қонунга мувофиқлаштирилди

Маълумки, Конституциямизнинг 26-моддасига биноан, жиноят содир этганликда айбланётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Марғилон шаҳрида яшовчи Абдулҳамид Тўрабоев (исм-шарифлар ўзгартирилган) ушбу конституциявий қоида судларда нечоғли исботини топаётганига ўз қисмати мисолида яна бир қарра ишонч ҳосил қилди.

Албатта, "яна бир қарра" дейишнинг сабаби бор. Гап шундаки, Абдулҳамид оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этгани учун сўнгги 23 йил мобайнида 6 марта судланишга "улгурган". Бу гап эса, еттинчи марта суднинг қора курсисига ўтирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, А.Тўрабоев сўнгги жазосини 2020 йил 29 февраль куни ўтаб бўлган. Аммо оранда бир ойга яқин вақт ўтиб — 2020 йил 26 март куни яна жиноятга қўл урди. Ўша куни Абдулҳамидга шаҳар ҳокимлиги

томонидан бир марталик моддий ёрдам пули берилган.

Шу боис у қўлига пул тушгач, ишни "томоғини хўллаш"дан бошлади. Яъни спиртли ичимлик ичиб, сўнг оқватла-нишга ўтирди. Укаси Абдулҳа-физ, синглиси Ширмоной, она-си Холида опа, укасининг аёли ва жиянлари билан бирга овқатланиб бўлган, нариги хонага кириб, телевизор қарши-сида ёнбошлади. Шунда онаси ҳозиргина эфирга берилган қўшиқни қайтадан қўйиб бери-шини сўрайди.

(Давоми 4-бетда) ►



## БМТ 75-сессиясида

### янги Ўзбекистоннинг янгича қиёфаси кашф этилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 23 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеяси 75-йубилей сессиясида сўзлаган нутқи мамлакатимизда, минтақамизда, жаҳон ҳамжамиятига катта қизиқиш уйғотди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда, Марказий Осиё минтақаси, шу жумладан, Афғонистонда, бутун дунёда кечаётган жараёнларни чуқур таҳлил қилди.

Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, БМТ Бош Ассамблеяси 75-йубилей сессиясининг ўзига хос хусусиятларига мухтасар тўхталиш лозим. Гап шундаки, ушбу сессия ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгича тарзда ташкил этилди.

Сессиянинг шаклан ўзига хослиги шундаки, кейинги 75 йил ичида биринчи марта Бош Ассамблея мажлиси видео-конференция тарзида ўтказилди. Пандемия бутун ду-

недаги вазиятга, инсонлар ҳаётига ва БМТ фаолиятига бевосита таъсир кўрсатгани оқибатида озма-юз учрашув ҳамда мулоқотларнинг имкони бўлмади.

Ўзбекистон Президентининг нутқида ушбу ўта муҳим тарихий тадбирнинг корона-вирус пандемияси туфайли онлайн мулоқот режимида бўлиб ўтиши билан боғлиқ ша-роитга аниқ баҳо берилди. Юртбошимиз таъкидлагани-

дек, "Бундай глобал фалокат сайёраимизда сўнгги юз йилда кузатилмаган эди. Бу офат бутун инсониятнинг заиф жи-ҳатларини яққол кўрсатди. Ҳозирги таҳликали ва мурак-каб вазият ер юзидеги барча давлатлар ва халқлар ўзаро боғлиқ эканини, ўртанимизда мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимли-гини исботлади".

(Давоми 3-бетда) ►

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 октябрь куни Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимўхамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатлар кун тартибидеги долзарб масалаларни батафсил кўриб чиқ-дилар. Халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорлик юза-сидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Туркмени-стон ўртасидаги кўп аришқ дўстлик ва қардошлик ришта-лари, яхши кўшничлик ва стратегик шериклик муноса-батларини янада мустаҳкам-лашга қаратилган фаол муло-қотни давом эттириш муҳим-лиги қайд этилди.

Коронавируснинг глобал миқёсда тарқалиши оқибат-ларини самарали енгиб ўтиш мақсадида амалий ҳам-корлик бўйича, энг аввало, савдо, sanoat кооперацияси, энергетика, транзит, кишлқ хўжалиги ва бошқа муҳим тармоқлардаги лойиҳаларни илгари суриш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу маънода икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари томонидан ўтган ойда ўтказилган сиёсий мас-лаҳатлашувларнинг самарали натижалари ижобий ба-ҳоланди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Туркменистон Президен-ти

лари 2019 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтган Мар-казий Осиё давлатлари раҳ-барларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувида қабул қилинган қарорлар ва эри-шилган келишувлар ижроси-нинг боришини муҳокама қилдилар.

Тизимли ва барқарор тус олаётган ушбу муҳим формат доирасида сермаҳсул муло-қот олиб борилаётгани мам-нуният билан таъкидланди.

Минтақадаги кўп томонла-ма ҳамкорлигининг устувор йўналишлари сифатида хав-фсизлик, иқтисодиёт, инновациялар, транспорт, фан, таъ-лим, туризм ва маданият со-ҳалари кўрсатиб ўтилди.

Давлат раҳбарлари Қир-ғиз Республикасидаги воқеа-лар ривожига алоҳида тўхтал-дилар. Ушбу мамлакатдаги вазият Қирғизистон Консти-туциясига мувофиқ ҳолда тез фурсатда барқарорлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Суҳбат ҳар доимигдек сам-имий, конструктив ва дўсто-на руҳда ўтди.

ЎЗА

Бу ҳақда жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти судида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгартишлар, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида судлар томонидан кўрилган ишларнинг умумий таҳлилига бағишлаб ўтказилган брифингга маълум қилинди.

## Навоийда судлар томонидан 241 миллиард 825 миллион сўмлик қарздорлик ва етказилган зарар ундирилган

Вилоят жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий суд-лар раислари томонидан мам-лакатимизда суд-ҳуқуқ тизи-мини ислоҳ қилиш, қонун ус-туворлигини ва қонунийликни мустаҳкамлаш, суд-ҳуқуқ соҳа-сида белгиланган вазифалар-ни изчил амалга ошириш, адо-латли ва қонуний суд қарор-ларини қабул қилиш учун та-рафларнинг тенглиги ва тор-тишувчанлигини амалда таъ-минлаш механизмларини кен-гайтириш борасида қилинаёт-ган ишлар ҳақида маълумот берилди.

— 2020 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида жиноят ишлари бўйича вилоят ва туман (ша-ҳар) судлари томонидан 772 нафар шахсга нисбатан 614 та жиноят иши тамомлланган, — дейди суд раиси ўринбосари Шухрат Камолов. — Тамомллан-ган ишлардан 586 нафар шах-сга нисбатан 439 та жиноят иши бўйича ҳукм чиқарилган.

Юртимизда амалга ошири-лаётган ислохотлар натижаси-да судлар томонидан ўтган даврда 73 нафар фуқарога нис-батан тергов органи томони-дан қўйилган ноҳақ айбловлар бекор қилиниб, уларнинг бар-часи оқланган ёки ишлари реабилитация асосларига кўра тугатилган. Шунингдек, 109 нафар шахсга нисбатан 73 та жиноят иши бўйича тергов органи томонидан қўйилган айблов ўзгартирилиб ҳукми чи-қарилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва туманлараро судла-рида 9 ой мобайнида 5616 та фуқаролик ишлари мазмунан кўриб чиқилган. Бу кўрсаткич

ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 135 тага кўп дегани-дир.

— Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида туманлараро суд-ларда 1712 та ариза суд буй-руғи тартибиде ҳал қилинган. Судларнинг ҳал қилув қарорла-ри ва ажримларига нисбатан келтирилган шикоят ёки про-тестлар асосида фуқаролик иш-лари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясида 137 та, кассация инстанциясида эса 142 та иш кўрилган.

Бугунги кунда фуқаролар-нинг ортқича оворагарчилик-ларини олдини олиш мақса-дида суд амалиётида ишлар-ни юқори инстанция судлари-да кўришда бекор қилинган ишларни қўйи судларга янги-дан кўриш учун юборишга чек қўйилиб, бекор қилинган иш-лар вилоят судининг ўзиде яқунлаш амалиёти йўлга қўйилган. Жумладан, жами бекор қилинган 29 та ишлар-нинг барчаси шу инстанция судларининг ўзи томонидан мазмунан ҳал этилиб, янги қарорлар чиқарилди. — дейди фуқаролик ишлари бўйича ви-лоят суди раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи Нура-ли Раҳмонов.

Йиғилишда вилоят маъму-рий суд томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳам маълумот берилди. Жумла-дан, 11644 та иш кўриб чиқил-ган. Шунингдек, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган 425 та иш кўриб та-момланган. Қўрилган ишлар-нинг 121 таси сайёр суд маж-лисида кўриб чиқилган.

(Давоми 2-бетда) ►

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЁШЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЯНГИ ИШ ТИЗИМИ БЕЛГИЛАНДИ

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўз меҳнати, иродаси туфайли катта ютуқларга эришган машҳур шахслар билан учрашувлар ташкил этиб, ёшлар ва хотин-қизларга кучли мотивация бериш, чет тили, касб-хунар ва бизнесга ўргатадиган аудио ва видео материаллар тайёрлаб тарқатиш ҳам яхши самара беради.

Ийгилишда "ижтимоий шартнома" тажрибасини кенг қўллаш муҳимлиги айтилди. Бунда, аввало, фуқаро касб ўрганиши, ишга жойлашиши, ўзини ўзи банд қилиши учун давлат томонидан моддий ва ижтимоий кўмак кўрсатилади.

"Дафтар"лар билан ишлашда нодавлат нотижорат ташкилотлар имкониятларидан самарали фойдаланиш лозимлиги қайд этилди. Улар билан ҳамкорликни кенгайтириб, жазони ўтаб қайтганларнинг ижтимоий мослашуви, ёшлар ва аёлларнинг психологик қўллаб-қувватлаш, уларни чет тиллари ва касб-хунарга ўқитиш муҳимлиги айтилди.

Бу ишларга "Маҳалла ва оила" илмий-тадқиқот институти, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг салоҳияти сафарбар этилади. Бундан ташқари, аҳолини тадбиркорликка ўқитиш ва микроолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат комплекс дастурларни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларга йиллик 4 фоиз ставкада қарз маблағлари ажратилади.

Ийгилишда мўлжалдаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун уларни барқарор молиявий манбалар билан таъминлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўрганишларда маълум бўлишича, эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 55 фоизи ўрта маълумотли. Ишсиз ёшларнинг ҳам кўпчилиги замонавий билим ва хунарларни эгалламаган.

— Ёшлар ва хотин-қизларни меҳнат бозорига талаб юқори касб-хунарларга тайёрлашни тизимли йўлга қўйсак, уларнинг муносиб иш топишига қўмақласак, қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий муаммолар хал бўлади. Бу

нинг учун нафақат давлат таълим муассасалари, балки мингдан зиёд нодавлат касб-хунар таълими марказларини ҳам жалб қилиш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қайд этилганидек, бу борада мутлақо янги тизим жорий қилиниб, нодавлат касб-хунар таълими марказлари орқали ёшлар ва аёлларда касбий кўникмаларни шакллантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлашга Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 миллион доллар миқдоридagi маблағ йўналтирилади. Шунинг 10 миллиони ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунарга ўқитишга, 90 миллиони эса, ўқув курсларини тамомлаб, сертификат олганларга имтиёзли кредитлар ажратиш учун сарфланади. "Ижтимоий шартнома" орқали нодавлат касб-хунар ўқув курсларини битирадиган ёшлар ва аёлларга таълим харажатлари учун 1 миллион сўмгача субсидия берилди.

Яна бир масала — Касб ва лавозимлар классификатори бугунги замон ва меҳнат бозори талабларига мос келмайдми. Мисол учун, унда 2 минг 484 та, яъни 70 фоиз хизматчи лавозими бўйича олий маълумот талаб этилади. Хусусан, маълумотлар базаси билан ишлайдиган мутахассис, веб-дизайнер каби ихтисосликларга олий малака талаби қўйилган. Ушбу касбларни IT-марказларда ярим йилда яхши ўрганиш мумкин.

Кутубхоначи, таржимон, банк агенти, реклама мутахассиси каби қўллаб-қувватлашга ҳам олий маълумот талаби қўйилган. Меҳнат бозорига бундай касблар бўйича 4 мингга яқин вакансия мавжуд.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Касб ва лавозимлар классификаторида олий маълумот талаб қиладиган мутахассисликлар ва лавозимларни қисқартириш вазифаси қўйилди. Хокимларнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари "ёшлар дафтари", маҳалла ва оила масалалари бўйича ўринбосарлари "аёллар дафтари"га масъуллиги белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимларнинг ахбороти эшитилди.

ЎЗА

# ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИНГ МЕРОСИНИ ЯНАДА ЧУҚУР ЎРГАНИШ ВА УЛАР ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бу борадаги тарихий маълумотларни ҳолис ва ҳаққоний ўрганиш мамлакатимиз мустақиллиги қандай оғир ва машаққатли курашлар билан қўлга киритилганини, бугунги эркин, озод ва обод ҳаётимизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшаш кераклигини янада чуқур англашга хизмат қилади.

Кўп миллатли халқимизнинг фидойи фарзандлари, маърифатпарвар аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳақиқатни тўла юзага чиқариш, уларга нисбатан тарихий адолатни тиклаш, бу борадаги ишларнинг кўлами ва самарасини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи, "Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Бадиий академияси ҳамда кенг жамоатчилиқнинг қатагон қурбонлари меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштириш ҳақидаги тақлифлари қўллаб-қувватлансин.

2. Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш, улар хотирасини абадийлаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича Республика ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) ташкил этилсин ва унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб белгилансин: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда малакали олимлар ва мутахассислардан иборат тегишли гуруҳларни

тузиш;

қатагон қурбонларини вилоят, туман ва шаҳарлар кесимида номма-ном аниқлаш, уларнинг ҳаёти ва фаолияти, тарихий хизматлари ҳақидаги маълумотларни, архив ва музейларда сақланаётган ҳужжатларни тўплаш ва ўрганиш бўйича ушбу гуруҳларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш;

қатагон қурбонли бўлган юртдошларимизнинг авлодлари ва яқинлари, ўша давр воқеаларини чуқур биладиган кишиларнинг хотираларини ёзиб олиш, оилавий архив ва кутубхоналарда сақланаётган тарихий материалларни, ноёб суратларни тўплаш ишларини мувофиқлаштириш;

аниқланган қатагон қурбонларининг номларини Тошкент шаҳридаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуасида барпо этиладиган рамзий китоб саҳифаларига киритиш; шаҳид бўлган юртдошларимиз хотирасини келгуси авлодларга безавол етказиш мақсадида кўп жилдлик "Қатагон қурбонлари" китоби нашрга тайёрлашни ва чоп этилишини таъминлаш;

Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи ҳамда унинг худудлардаги олий таълим муассасалари қошидаги бўлимларининг фондлари ва экспозицияларини янги топилган маълумотлар, ҳужжатлар ва бошқа экспонатлар билан мунтазам равишда бойитиб борилишини ташкиллаштириш; хорихдаги турли архив, музей, кутубхона ва бошқа илмий-маърифий муассасалар ҳамда тегишли мутахассислар билан ҳамкорлик ўрнатган ҳолда, илмий экспедициялар ташкил этиш; ўрганишлар жараёнида аниқланган, муайян сабабларга кўра реабилитация қилинмай қолиб кетган қатагон қурбонларини оқлаш юзасидан белгиланган тартибда тақлифлар киритиб бориш; қатагон қурбонлари ҳаёти ва фаолиятини илмий тадқиқ этиш, улар ҳа-

қида илмий-тарихий китоблар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратиш ишларини мувофиқлаштириш;

қатагон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида улар туғилиб-воғая етган ва истиқомат қилган маҳаллалар ва умумтаълим мактабларида хотира бурчакларини ташкил этиш;

"Инсон — азиз, хотира — муқаддас" деган гоя асосида барча туман, шаҳар ва маҳаллаларда аҳоли, айниқса, ёш авлодни мустақиллик ва адолат тантанаси учун курашган фидойи ота-боболаримизнинг хотирасига ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг кўрсатган жасорати ва ибратли фаолиятларини тарғиб этишга қаратилган маънавий-маърифий тарғибот ишларини ташкил этиш.

4. Қатагон қурбонларининг номларини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича "Йўл харитаси" 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ишчи гуруҳга қатагон қурбонлари номларини аниқлаш ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш учун давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, илмий-тадқиқот муассасаларининг юқори малакали мутахассисларини, экспертларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хорихий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари вакилларини жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси икки ой мuddатда Тошкент шаҳридаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуасида қатагон қурбонларининг номлари қайд этиладиган рамзий китобни яратиш, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи ва унинг худудларда-

ги олий таълим муассасалари қошидаги бўлимларининг, шунингдек, "Шаҳидлар хотираси" жамоат фондининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фондининг ҳомийлар гуруҳи таркибини янгилаш ва улар томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш ҳамда халқаро молия институтлари, хорихий ташкилотлар, донор мамлакатлар ва ташкилотларнинг грантларини жалб этиш юзасидан Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

Бунда, жумладан, хорихдаги турли архив, музей, кутубхона ва бошқа илмий-маърифий муассасалар ҳамда тегишли мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш, чет элдаги мавжуд манбаларни излаб топиш ва ўрганиш, шунингдек, қатагон қурбонлари ҳақида янги бадиий ва ҳужжатли фильмлар тайёрлаш, хотира китоблари ва фото-аёлларни нашр этиш, ташкилий ишларни молиялаштириш масалалари кўзда тутилсин.

7. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига ушбу фармойиш ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни кенг ёритиш, мавзуга оид телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни эфирга узатиш ҳамда матбуот нашрлари ва Интернет саҳифаларида мақолалар эълон қилиш тавсия этилсин.

8. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг маслаҳатчилари Р.С.Қосимов ва А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 8 октябрь

# Навоийда судлар томонидан 241 миллиард 825 миллион сўмлик қарздорлик ва етказилган зарар ундирилган

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

— Ўтган давр мобайнида вилоят ва туман (шаҳар)лар маъмурий судларига 224 та умумий мазмундаги мурожаат, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, халқ қабулхонаси, вебсайт ва "Ишонч телефони" орқали 137 та мурожаат келиб тушган, — дейди суд раиси Набижон Солиев. — Суд ҳужжатларидан норози бўлиб келтирилган 153 та мурожаат ўрганилиб, уларга ҳуқуқий тушунтириш берилди. Шу билан бирга судлар томонидан ишларни кўриш жа-



раёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан айбдор мансабдор шахсларга нисбатан 285 мартаба хусусий ажрим ва 102 мартаба тақдирномалар чиқарилди.



Навоий вилоят ва туманлари оид иқтисодий судлари томонидан иқтисодий соҳасида одил судловни амалга ошириш борада бир қатор ишлар қилинди. Судларга келиб

тушган 1535 та даъво аризасининг 1367 таси ҳисобот даврининг охирига қадар мазмунан кўриб чиқилган. Уларнинг 149 таси сайёр суд мажлисларида кўриб ҳал этилган.

Юртимизда санация, банкротлик каби ҳолатларга бозор муносабатларига хос бўлган ва муайян шароитларда юзага келадиган иқтисодий жараён сифатида қаралади.

Қонунчилигимиз таъминлари

# Банкротлик

Мамлакатимизда вужудга келган турли мулк муносабатлар ва соғлом рақобат муҳити бу жараённинг юзага келиш омили сифатида намоён бўлмоқда. Шунинг ҳам қайд этиш зарурки, ижтимоий-иқтисодий турмуш ва ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ана шундай усуллар орқали соғломлаштириш йўли билан ривож топади.

"Санация" таомили судгача санация ва суд санацияси жараёнларини ўз ичига олади. Суд санацияси — қарздор юридик шахсга нисбатан молиявий жиҳатдан соғломлаштириш ва унинг кредиторлар олдидаги қарзини узиш мақсадида, қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини санация қилувчи бошқарувчига ўтказмаган ҳолда, иқтисодий суд томонидан қўлланиладиган тўлов қобилиятини тиклаш таомилидир.

Суд санацияси кўпи билан йигирма тўрт ой мuddатга жорий қилинади. Ушбу мuddат ва ташқи бошқарувнинг жами мuddати ўттиз ойдан ошмаслиги керак. Судгача санация тартиби эса, иқтисодий судлар томонидан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилмасдан олдин амалга оширилади. Бу ҳолат иқтисодий судлар томонидан қарздорнинг тўлаш имкониятларини тиклаш ҳамда кредиторлар олдидаги қарзини қоплаш мақсадида жорий этилади.

"Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг 32-моддасида санациянинг судгача чора-тадбирлари кўрсатилган. Ушбу таомили суд санацияси жараёнида ҳам

қўллаша бўлади. Тўлов қобилиятини тиклаш таомили — иқтисодий суд томонидан қарздорга нисбатан қўлланиладиган, суд санацияси ёки ташқи бошқарувни ўз ичига оладиган ҳамда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашга қаратилган ташкилий-ҳўжалик ва бошқа чора-тадбирлардан иборат.

Қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги ҳолати ҳам кузатилади. Тўлов қобилиятини тиклаш таомили тегишли мажбуриятлар ёки тўлов мажбуриятлари юзага келган кундан эътиборан қарздор тарафидан — уч ой, қорхона ҳамда унга тенглаштирилган юридик шахслар томонидан эса, олти ой ичида бажарилмаган тақдирда, қўлланилади.

Агар юридик шахсга нисбатан қарз миқдори жами талаблар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида уч юз бараварини, қарздор қорхона ҳамда унга тенглаштирилган субъектга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг камида беш минг бараварини, қарздор якка тартибдаги тадбиркорга ёки ушбу мақомни йўқотган жисмоний шахсга нисбатан эса, базавий ҳисоблаш миқдорининг камида йигирма бараварини ташкил этса, бу ҳол қарздорнинг банкротлик аломати ҳисобланади.

Қарздорнинг ўзи, кредитор ва прокурор пул мажбуриятларини бажариш

лиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Қорхона раҳбари ёки муассаса иштинорчисига ёхуд мулкдорга нисбатан қорхона банкротликка олиб келган ҳаракатлари ё ҳаракатсизлиги учун жиноят иши қўзғатилган тақдирда, банкротлик тўғрисидаги ишнинг юритиш жиноят ишлари бўйича суд томонидан мазкур масала юзасидан қарор қабул қилинганга қадар тўхтатиб турилади.

Қарздорнинг бошқарув органи, шу жумладан, унинг раҳбари қарздорнинг фаолиятини юритиш ҳамда унинг мол-мулкни тасарруф қилиш ваколатидан озод этилмайди. У санация қилувчи бошқарувчи раҳбарлигида ўз функцияларини бажаришда давом этади.

Янги тахирдаги Солиқ кодексининг 100-моддасида солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш шартлари белгиланган. Унга кўра, солиқ тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти манфаатдор шахс солиқни бир йўла тўлаши оқибатида унинг ночорлиги, яъни банкротлиги аломатлари пайдо бўлиши хавфи юзага келганида берилиши мумкин.

Айнан шундай ҳолат судлов фаолиятида ҳам кузатилади. Урганч туман давлат солиқ инспекцияси ўтган йили иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилиб, тумандаги "Аҳмад бобо" хусусий қорхонаси фаолият кўрсатмаётгани ва кредиторлик қарзини тўлаш

— Судлар томонидан жойларда олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ишлари ўз самарасини бермоқда, — дейди иқтисодий суд раиси Тимур Абдраманов. — Хусусан, фуқаролар ва тадбиркорларнинг шартнома ва тўлов интизомига риоя қилаётганлиги боис кўрилган ишлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2450 тага ёки 56 фоизга камайган. Ҳал этилган ишлар бўйича даъвогарлар фойдасига қарийиб 241 миллиард 825 миллион сўм миқдоридagi қарз ва етказилган моддий зарарини ундириш ҳақида қарорлар қабул қилинган.

Брифингга судлар раислари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

Абдували БҮРИЕВ,  
Сирох АСЛОНОВ (сурат),  
ЎЗА

# Риштон туман ҳокимлигидан фуқаро фойдасига 148 миллион сўм ундирилди

Фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманларо суднинг ижро варақасига асосан, жавобгар — Риштон туман ҳокимлигидан даъвогар Бахтиёр Исоқов фойдасига 148 миллион 15 миң сўм ундириш белгиланган бўлиб, Мажбурий ижро бюроси Риштон туман бўлими томонидан ижро иши юритувчи қўзғатилган.



га мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Ижро ҳужжати бўйича ундирув Риштон туман ҳокимлиги томонидан маҳаллий бюджет ҳисобидан қоплаб берилиши лозимлиги сабабли суднинг ижро варақаси тегишли қарор билан биргаликда туман ҳокими номига юборилган.

Мажбурий ижро ҳаракатлари жараёнида Риштон туман ҳокимлигининг пул маблағлари ҳисобидан Б.Исоқов фойдасига 148 миллион сўм қарздорлик пул маблағлари нақд шаклда ундириб берилди. Ундирувчи Б.Исоқов ҳолислар иштирокида пул маблағларини тўлиқ санаб қабул қилиб олди.

ЎЗА

Шу сабабли, Б.Исоқов суд-



